

ДЕХҚОНОВ Махмудали Роҳаталиевич
Тошкент давлат техника университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти, PhD

ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎРНИ

РОЛЬ СЕМЕЙНО-БРАЧНЫХ ОТНОШЕНИЙ В ОБЕСПЕЧЕНИИ СТАБИЛЬНОСТИ ОБЩЕСТВА

THE ROLE OF FAMILY AND MARRIAGE RELATIONS IN ENSURING SOCIETY STABILITY

Аннотация. Мақолада жамият тараққиётининг муҳим бўғини бўлган оила ва никоҳ муносабатларининг долзарб ижтимоий масалларидан бири бўлиб қолаётганлиги кўрсатиб ўтилган. Шарқ мамлакатлари ижтимоий ҳаётида ўзбек менталитетининг дунёга ҳавас қилгудек оилавий муносабатларида оиланинг диний ва фалсафий моҳияти масаласига эътибор қаратилган. Ўзбек менталитети етуклик жабҳасида ўрнатилган бўла оладиган оила тизими, унинг ички омили жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётида, аввало, оилавий муносабатлар бўйича ислом диний манбаларида ёритилиши бўйича фикр-мулоҳазалар ибрат сифатида зикр қилинган.

Мақолада оилавий муносабатлар соҳасидаги илмий ва диний билимлар пойдеворида муҳим ўрин тутган оила мустаҳкамлиги жамиятнинг барқарорлиги, тинчлиги, осойишталигини таъминловчи муҳим омили бўлиб бўлиб қолаётганлиги ўз аксини топган. Зеро, жамиятнинг қудрати бўлиши мустаҳкам оила ва никоҳ муносабатларига боғлиқдир.

Калит сўзлар: оила, одоб ва ахлоқ, урф-одатлар, оилавий маросимлар, ҳуқуқий мезонлар, никоҳ, насл, маҳр, талоқ, мерос, имон, маҳалла, давлат.

Аннотация. В статье показано, что семейно-брачные отношения, являющиеся важным звеном развития общества, остаются одной из актуальных социальных проблем. В общественной жизни стран Востока в семейных отношениях узбекского менталитета уделяется внимание вопросу религиозно-философской природы семьи, вызывающему зависть всего мира. Семейная

система, которая может служить примером зрелости узбекского менталитета, и ее внутренний фактор в общественно-политической, культурной и духовной жизни общества, прежде всего, взгляды на семейные отношения в исламских религиозных источниках, упомянуты в качестве примера. Также отражено то, что сила семьи, занимающая важное место в фундаменте научных и религиозных знаний в области семейных отношений, остается важным фактором, обеспечивающим стабильность, мир и спокойствие общества. Ведь сила общества зависит от крепких семейно-брачных отношений.

Ключевые слова: семья, нравы и этика, традиции, семейные обряды, правовые критерии, брак, происхождение, приданое, развод, наследование, вера, соседство, государство.

Annotation. The article examines family and marriage relations, which is an important link in the development of society and it seems that family and marriage relations remain one of the pressing social problems. In the social life of Eastern countries, based on the Uzbek mentality, family relationships are considered a very important factor; which can be the envy of the whole world, and special attention is paid to the issue of the religious and philosophical essence of the family.

The article provides as an example the family system, which can serve as an example in the field of spiritual formation in Uzbekistan, its internal factor in the socio-political, cultural and spiritual life of society, first of all, comments on the coverage of family relationships in Islamic religious sources are given as an example. After all, the strength of society depends on strong family and marriage relationships. The article also reflects that the strength of the family, which occupies an important place in the foundation of scientific and religious knowledge in the field of family relationships, remains an important factor in ensuring stability, peace and tranquility of society.

Keywords: family, morals and ethics, traditions, family rituals, legal criteria, marriage, origin, dowry, divorce, inheritance, faith, neighborhood, state.

КИРИШ

Давлат жамиятнинг асосий негизи бўлган оила ва никоҳ муносабатлари тарихининг диний ва фалсафий моҳиятида оила муносабатлари, унинг пайдо бўлиши ҳақидаги масалаларга қадимдан катта эътибор берилиб келинган. Оила тарихи, оила ва никоҳ муносабатлар маданиятини ўрганишда аҳоли турмуш тарзида исломдан олдинги давр ҳақидаги оилавий никоҳ турларининг ёзма манбаларида кўрсатилганлигини муҳим аҳамияти эга. Ислом

дини тарқалган ҳудудлар ҳаётида оила ва никоҳ муносабатлари бўйича Қуръон карим ва ҳадиси-шарифларда кўрсатиб ўтилган. Бу манбаларда оиланинг ижтимоий тараққиётининг узлуksиз жараёнини исломий нуқтаи назардан изоҳлаб беришга ҳаракат қилишган.

Ислом манбаларида оиланинг ташкил бўлиши, мазмун-моҳияти, оила муносабатлари маданиятига оид кўрсатмалар, талаблар ўз ифодасини топган. Никоҳ – арабча сўз бўлиб, кўшилиш деган маънони англатади [1:19]. Бу фақат жисмоний жуфтлашиш эмас, балки маънавий муштараклашишдир. Никоҳ зарурий ижтимоий ҳодиса бўлганлиги учун гувоҳлар иштирокида амалга оширилади. Бурҳониддин Марғиноний ёзишича: “Билгинки, никоҳ бобида гувоҳлик шартдир”, чунки Расулulloҳ (с.а.в.): “Гувоҳларсиз никоҳ, никоҳ эмас”, – деганлар [2: 647,648].

Ислом динида тарғиб қилинган оилавий муносабатлар, жоҳилия даврида ҳукм сурган оилавий муносабатлардан тубдан фарқ қилган. Агарда жоҳилия даврида аёлларнинг оиладаги ҳуқуқлари умуман паймол қилинган ҳолда эркак хоҳлаганича хотин олиш (5-10 та, ундан ҳам кўп) ҳуқуқига эга бўлган бўлса, ислом манбаларида бу масалалар муайян даражада тартибга солинади. Ислом таълимотларга асосланиб куриладиган оилалар янгича мазмун, янгича шакл касб эта бошлайди. Қарийиб 1,5 минг йил давомида исломга эътиқод қилувчи халқлар исломий никоҳ асосида оила қурадилар ва шу давр ичида оила муносабатлари маданияти шаклланиб, мазмунан бойиб боради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Исломда оила ва никоҳ муносабатларининг диний-фалсафий моҳияти ривожланиши тарихига эътибор берилар экан, бу ҳолат ижтимоий тараққиётнинг узлуksиз тизимлашган жараёни ҳисобланиб, у жамият босқичларидаги маънавий-ахлоқий, диний-маданий ривожланиш даражаси билан боғлиқ ҳолда кечган. Кўп изланувчилар фикрига кўра, оила-маданий мерос, ахлоқий норма ва анъаналарни ташувчи умуминсоний қадрият ҳисобланади. Никоҳ ва оила тушунчаси ҳозирги шароитда ҳам шахс маънавий маданиятининг ривожланишида ва жамият ривожини учун ҳам аҳамияти томонлари ошиб бормоқда.

Оила ва никоҳ муносабатлар маданиятини ривожланиши тарихига эътиборга қаратсак икки тамойилни кўришимиз лозим: биринчиси, одамлар яшаш учун бирлашиб, моддий неъматлар ишлаб чиқариш эҳтиёжи юзасидан уюшадилар; иккинчиси, насл қолдириш йўли билан келгуси ҳаёт давомчиларни дунёга келтириш иштиёқи. Бу иккала тамойил инсон маънавиятини такомиллаштиришни тақозо этиб, ижтимоий ҳаёт тажрибаси орқали амалга оширилган. Бу жараёнларда асосий ҳал қилувчи омил ижтимоий бирлик ҳисобланиб, шу асосда моддий неъматлар яратиш такомиллашган.

Оила ижтимоий бирлик сифатида нисбатан мустақил ҳодиса ҳисобланса-да, жамият тарихий тараққиётида мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий омиллар тобора муҳим аҳамият касб этади. Оила ва жамиятнинг тадрижи ҳар доим бир-бири билан боғлиқ равишда амалга оширилиб келинган. Шу сабабли оила қуришнинг биологик сабаблари бир хил, аммо ижтимоий моҳияти, шакллари аста-секин такомиллашиб, ўзгариб турган. Никоҳ барча даврларда ҳам ҳақиқий оиланинг такомиллашуви ва ривожланишига маънавий, ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган. Никоҳ янги қурилатган оилани давлат, жамият томонидан расмий равишда тан олинисига сабаб бўлган. Шу туфайли ҳам никоҳни қайд этиш давлат органларининг вазифаларидан бири бўлган, унинг меъёр ва мақсадлари қонунлар орқали тартибга солинган. Барча диний таълимотларда никоҳнинг шакли ва мақсадлари масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Никоҳнинг бекор қилиниши эса, давлат ва жамоавий мутасадди ташкилотлар томонидан қайд этилган, унинг ахлоқий, ҳуқуқий меъёрлари белгилаб қўйилган.

Оила хусусидаги қарашлар Қуръони карим, ҳадиси шариф, шариат аҳкомларида ёрқин ифодасини топган. Оила қуриш ҳақида Қуръоннинг “Нисо”, “Талоқ” ва бошқа сураларида бериб ўтилгани бундан далолат беради. Жумладан, “Нисо” сурасида оила қуриш қатъий никоҳ асосида бўлишини таъкидлаб ўтилган: – Эй, имон келтирганлар! Сизларга хотинларни мажбурий равишда мерос қилиб олиш ҳалол эмасдир [3:80]. Яна никоҳнинг маршру бўлиши ҳақида “Нур” сурасининг 32-ояти [3:354] “Нисо” сурасининг 3 [3:77], 24 [3:82], 127 [3:98] – оятларидаги маълумотларни келтириб ўтиш ўринлидир. Уларда шаръий

никоҳнинг ақидавий талаб ва қоидалари, бошқа оятларда эса никоҳи ман этилган аёллар, [3:81] опа-сингилларнинг бир никоҳда жамланмаслиги [3:81] ва бошқа жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Исломда оилавий муносабатлари эр-хотин бурчлари ҳақида “Ҳидоя”нинг ва “Никоҳ ва талоқ китоби”да ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, “Ҳидоя”да оила ва никоҳ масаласида адолатнинг асосий мезонлари сифатида инсоф ва диёнат, ҳаромдан ҳазар қилиш, поклик каби эзгу тушунчалар инobatга олинган. “Ҳидоя”да оила ва никоҳ масаласида катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳукмлардан бири аёлнинг никоҳ тўғрисида ўзининг қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга эканлиги муҳимлиги акс этган: “Никоҳнинг асл моҳияти ҳақида илм бўлишлиги, эркак ва аёлнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ахлоқий жиҳатларидан мумкин қадар бир-бирларига тенг бўлишлари” муҳим шартлардан деб қаралган. Жумладан, никоҳда тенглик хусусида шундай дейилади: “Огоҳ бўлингларки, аёлларни фақат ўзларига тенг бўлган кишиларгагина берсинлар” [2:675].

Никоҳ ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун оила қуришда қўлланиладиган зарурий шаръий амал ҳисобланади. Ҳатто оила қуришга моддий имконияти бўлмаган кишиларни ҳам оилалар қилиб қўйишга даъват этилади.

Масалан, Қуръони каримнинг Нур сурасининг 32-оятда шундай дейилади: “Сизларнинг орангиздаги тул (эркак ва аёл) ларни ҳамда қул ва чўриларингиздан яроқлиларини уйлантирингиз! Агар (улар) камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни ўз фазли билан бойитур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва доно зотдир” [4:77].

Жамиятнинг таянчи бўлган оила муносабатлари маданиятининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини тадқиқ этишда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий, маънавий ҳаётнинг таъсирини инobatга олиш билан диний (исломий) омилни ҳисобга олиш ҳам зурур. Ҳозирги даврда мустақил Ўзбекистонда баркамол ёш авлодни тарбиялашдан фақат ота-онагана эмас, балки жамоатчилик фикри, маҳалла-қўй таъсири ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Оилада янги инсон шаклланади, маънавий, жисмоний камолга етади. Шунинг учун ҳам мустақиллик

даврининг энг муҳим вазифаларидан бири— мустаҳкам оилани яратиш ҳисобланади.

Ислом дини кенг тарқалган Ўзбекистонда тарихан ўзбек оиласининг ривожланиши босқичлари исломий таълимотлар таъсирида ўтган. Миллий ва исломий қадриятлар асосида ёшлар тарбиясида, бир томондан, ота-оналар билан болалар ўртасида меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат шаклланган, иккинчи томондан, ота-оналар ҳам ўз болаларини элда имон-этиқодли, жонқуяр, меҳрибон, меҳнаткаш, инсофли, виждонли кишилар қилиб тарбиялашга эътибор қаратганлар. Яхши тарбия кўрган бола ота-онага ҳам катта иззат ва ҳурмат келтиради, деган нақл юради.

Ислом манбаларидан Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда оила, никоҳ, фарзанд тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, “Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун ўғиллар ва набиралар пайдо қилди ва сизларни пок нарсалардан ризқлантиради” [3:354]. Ўзбек оиласида қадимдан бошлаб таълим-тарбия анъанасига риоя қилинган. Исломда оиладаги тарбияда фарзандлар соғлом бўлиб ўсиши ҳисобга олинади, инсонларнинг молига, жонига, обрўйига путур етказадиган нарсаларни ҳаром деб, ҳукм қилинади.

Ёшлар ҳаққоний меҳнатга ўргатилиб, ҳалол билан ҳаромни ажратиш олган ҳолда жамиятда ўз ўрнини топиши ва уларни тўғри йўлга солиш учун ҳадис, Қуръони карим кўрсатмаларига амал қилиниб келинади. Қуръони каримда:

وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافُ أَلْسِنَتِكُمْ
وَأَلْوَانِكُمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّلْعَالَمِينَ (۲۲)

«Унинг аломатларидан (яна бири) — сизлар (нафси қондириш жиҳатдан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўрталарингизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир» [5:406], дейилади. Бундай даъватларга мусулмон оилалари тарихан то ҳозирги кунга қадар риоя қилиб келмоқдалар. Ота-онанинг ўз болаларига ғамхўрлик қилиши, ўзбек халқи анъаналарида катта ўрин олган. Бундай оилаларда ўсган болалар маънавиятида меҳнатсеварлик, ота-оналарига, ака-укаларига меҳрибон бўлишдек фазилатлар шаклланади.

Оила муносабатлари маданиятининг ислом таълимоти асосида шакллантириш

Қуръони каримнинг қатор оятларида, ҳадиси шариф ва шариат аҳкомларида ўз ифодасини топган ва уларга риоя қилган мусулмонлар ислом маънавиятининг энг нуфузли вакиллари бўлишган. Улар: ота-онага яхшилик қилиш, қариндошлар билан мунтазам алоқада бўлиш ва уларнинг хурсандчилиги ёки мусибат кунларида иштирок этиш, дўстлар ва қўшнилари билан яхши муносабат ўрнатиш, саломлашиш ва алик олиш, бегона хонадонга киришдан аввал изн сўраш, келган одамга ёнидан жой бериш, ширин муомала қилиш, ҳаром ва ёмонликдан сақланиш, бир-бирларига яхшиликни ўргатиш, имонли, эътиқодли бўлиш, мусибатларга сабр қилиш, ростгўй ва ҳалол кишиларни ҳурмат қилиш, хато қилган кишиларни кечириб каби фазилатлардир. Бундай фазилатлар ўзбек халқи минтақасига хос хусусиятлар бўлиб, нафақат исломий қадриятларни, балки миллийликни ҳам қамраб олган ҳолда маънавиятимизни бойитишга хизмат қилган.

Бундай кўрсатмалар ислом таълимотларида, ҳадиси шариф, шариат аҳкомларида ўз ифодасини топган. Умуман олганда, оила муносабатлари ўзагида никоҳ тушунчасининг юксак мақомга эга эканлиги, тарихий илдишларида илмий ёндашув, диний ва дунёвийлик билан асосланган тавсифлар мавжудлиги билан қадриятларимиз мажмуасига айланиб ривож топмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса шуки, оилавий муносабатлар маданиятининг моҳияти таҳлилида диний-дунёвий муштараклик фалсафаси муҳим ўринга эга бўлиб, оила тарихини ўрганишда ижтимоий-гуманитар йўналишларига қиравчи фан соҳалари кесимида қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бу тадқиқотларларда келтирилган қўлёзма манбалар, тарихий бадиий адабиётлар муҳим манба вазифасини бажариб келмоқда. Ислом дини тарқалгунга қадар ва дини исломнинг ёйилиши ва ривожланиши билан боғлиқ оила тарихини ёритишда шу давргача ўрганилган барча ёзма манбаларни қайтадан катологлаштириш, солиштириш, диний ва фалсафий таҳлили бўйича объектив маълумотларни аниқлаштириш зарур. Манбалар тури ҳозирги кунларимизда кенг тарқалган бўлиб, уларда оила ва никоҳ

тарихига доир меросий ҳужжатларни чуқурроқ ўрганишни талаб этади. Ер юзида ва мамлакатимизда рўй бераётган оилавий муносабат шакллари, маҳаллий, хорижий оила ва никоҳ тузилмаларининг ўзаро яқинлик томонларини пухта ўрганиш, зарурий ҳолатларда давримизга мос бўлган янги лойиҳаларини ишлаб чиқишига қаратилиши керак. Шунинг учун мазмун-моҳиятига кўра никоҳ ва оила муносабатлари талаблари, келиб чиқадиган ҳулоса ва тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим ва долзарб масала сифатида муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Тошкент: Адолат, 1995. – Б-19.
2. Бурхониддин Ал-Марғиноний. Ҳидоя. – Тошкент: Адолат, 2001. Т.1. – Б. 647-648.
3. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири // Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007.
4. Қуръони карим / Таржима ва тафсири муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992.
5. Tecvitli Kur'an-i Kerim basilma ve yurtdışına gönderilme onay Dr. Suleyman Kablan قرآن، یقار او 05.02.2020 406